

**А Ж Р И М**  
*сурункали алкоголизмга чалинган*  
*беморни мажбурий даволашга юбориш ҳақида*

2023 йил май ойининг 11-куни, жиноят ишлари бўйича Қува туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи З.Омонов, судья ёрдамчиси – И.Усмоновнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунига асосан Пулатов Икром Рузиабаровични мажбурий даволанишга юбориш ҳақидаги Қува тумани ИИБнинг тақдимномаси ва унга илова қилинган 1-3-1511-2301/63-сонли иш ҳужжатларни кўриб чиқди.

Пулатов Икром Рузиабарович (Pulatov Ikrom Ruziabarovich), 1971 йил 24 сентябрь куни Қува туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган, мавсумий ишчи, Қува тумани, Қашқар МФЙ, Самандарак кўчасидаги рақамсиз уйда яшайди.

Суд, судда И.Пулатов, фуқаро И.Рўзиабаров ва профилактика инспектори Б.Исақовнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Қува тумани ИИБ тақдимномасида, фуқаро И.Пулатов мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, яшаш уйида ва маҳалла ҳудудида жамоат тартибини, қариндошлари ва бошқа фуқароларнинг тинчини бузиб юргани, ҳозирда у алкоголизмнинг 2-даражали сурункали касаллигига дучор бўлгани кўрсатилиб, уни мажбурий даволашга юбориш сўралган.

Фарғона вилоят наркология диспансерининг 2023 йил 9 май кунги 197-сонли хулосасида фуқаро И.Пулатов мажбурий тартибда даволанишга муҳтожлиги кўрсатилган.

Фуқаро И.Рўзиабаров судда, И.Пулатовнинг ўғли экани, И.Пулатов мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келиши, уйда ҳар куни жанжал қилиб, уйдаги пулларни ва буюмларни спиртли ичимлик ичишга сарф қилаётгани, у ўз хоҳиши билан даволанмаётгани, маст ҳолда қўни-қўшнилари ва оила аъзоларининг тинчлигини бузаётгани айтиб, суддан И.Пулатовни мажбурий даволанишга юборишни илтимос қилди.



Қува тумани ИИБ профилактика инспектори Б.Исақов судда, ўзи И.Пулатов яшайдиган ҳудудда хизмат олиб бориши, И.Пулатов мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, маҳаллада бир неча марта жанжал чиқаргани, яшаш хонадонида доим жанжал қилиши, уйдаги пулларни спиртли ичимлик ичишга сарф қилаётгани, шу сабаб ўғли И.Рўзиабаров унинг устидан даволанишга юборишни сўраб ИИБга ариза берганини айтиб, И.Пулатовни мажбурий даволанишга юбориш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Юқоридагиларга кўра, суд фуқаро И.Пулатовнинг мажбурий тартибда даволанишга мухтожлиги, унинг ўз ихтиёрига кўра даволанишдан бош тортгани ва мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жаъмиятга зид ҳаёт тарзини олиб бораётгани, шунингдек, аризачи И.Рўзиабаров ва профилактика инспектори Б.Исақов кўрсатувларини эътиборга олиб, И.Пулатовни алкоголизмдан мажбуран даволаниш учун юборишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Юқоридагиларга асосан суд, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунни қўллаб,

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Қува тумани ИИБнинг Пулатов Икром Рузиабарович (Pulatov Ikrom Ruziabarovich)ни алкоголизмдан мажбурий даволаниш учун юбориш ҳақидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

И.Пулатов мажбурий даволаниш учун мўлжалланган наркологик шифохонасига юборилсин.

Ажрим ижросини таъминлаш Қува тумани ИИБга юклатилсин.

Ажримдан норози томонлар етмиш икки соат ичида апелляция тартибида Фарғона вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

З.Омонов

